

Ҳужжат имзоланган:

1

сана: 2022.03.18 15:45:42
серия рақами: 778b6625
компания: ООО НИМ СТАНДАРТ ИНДУСТРИЕС
СТИР: 308245661
фиш: ZAXIDOVA NIGORA
email:



11ECA6A888E8A1BEB1E81E0008000075

электрон ҳужжат идентификатори

ҲУЖЖАТЛАРНИ ИМЗОЛАШ ПРОТОКОЛИ

Етказиб берувчи	ООО НИМ СТАНДАРТ ИНДУСТРИЕС	Сотиб олувчи:	"AGRO FINANS LIZING" AJ
СТИР	308245661	СТИР	206219586
Манзил	г.Ташкент, ул. А.Хидоятова 86/1	Манзил	20А-МА

Ҳужжат ҳақида маълумот

Ҳужжат номи	ШАРТНОМА
Ҳужжат рақами ва санаси	№ 67 дан 18.03.2022
Шартномага	№ 67 дан 18.03.2022

ШАРТНОМА № 67

"18" март 2022йил

Тошкент ш.

Ўз устави асосида иш юритувчи, куйида "Буюртмачи" деб аталувчи "AGRO FINANS LIZING" АЖ номидан Бошқарув раиси **Н.И.Бегматов** бир томондан ва куйида "Ижрочи" деб аталувчи "НIM STANDART INDUSTRIES" МЧЖ номидан **Захидова Н.М.** рахбар иккинчи томондан, ушбу шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар:

1. Шартнома мазмуни

- 1.1. Ушбу шартномага мувофиқ, "Ижрочи", "Буюртмачи"га 1-иловада қайд этилган минерал ўғитлар ва ўсимликларни химоя қилиш воситаларини (бундан кейин матнда – махсулот деб аталади) давлат харидлари порталида "Буюртмачи" томонидан жойлаштирилган 2-илова ва бошқа кўрсатилган талабларни бажарган ҳолда етказиб беришни ўз зиммасига олади.
- 1.2. Буюртмачи етказиб берилган махсулот ҳақини Ижрочиға шартнома шартларига асосан тўлаб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

2. Томонларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

Ижрочининг мажбуриятлари:

- 2.1.1. Ушбу шартноманинг 1-иловасида қайд этилган махсулотларни ушбу шартномада белгиланган талаб ва муддатга мувофиқ Жиззах вилояти, Зомин туманига етказиб бериш.
- 2.1.2. Махсулотларнинг сифати Буюртмачи талабларига ва амалдаги қонунчилик талабларига жавоб бериши керак.
- 2.1.3. Махсулотларни қабул қилиш жараёнида нуқсонлар ва сифатсиз махсулотлар аниқланган тақдирда, аниқланган камчиликларни Буюртмачининг талабига биноан Ижрочи ўз ҳисобидан етказиб бериш шарт.
- 2.1.4. Махсулотлар етказиб берилгандан сўнг, Буюртмачига ҳисоб-фактурани ва махсулотларни қабул қилиш ва топшириш далолатномасини тақдим этиш.

Ижрочининг ҳуқуқлари:

- 2.2.1. Етказиб бериладиган махсулот ҳақини Буюртмачидан талаб қилиш.
- 2.3. Буюртмачининг мажбуриятлари:
- 2.3.1. Ижрочиға шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда махсулот ҳақини тўлашни кафолатлайди.
- 2.3.2. Шартномада белгиланган муддатларда махсулотларни қабул қилиш.
- 2.4. Буюртмачи куйидаги ҳуқуқларга эга:
- 2.4.3. Ижрочи ушбу шартномага асосан махсулотларни ўз вақтида етказиб бермаса ёки сифатсиз махсулотлар етказиб берилган тақдирда, ушбу шартномани бир тарафлама бекор қилиш ва етказилган зарарни тўлиқ қоплашни талаб қилиш.

3. Шартноманинг умумий қиймати ва ҳисоб -китоб қилиш тартиби

3.1. Тўлов шarti электрон савдо тизимида кўрсатиб ўтилган миқдорларда ва муддатларда амалга оширилади.

3.2. Шартноманинг баҳоси **744 314 000,00** (Етти юз кирк турт миллион уч юз ун турт минг) сўмни ташкил этади.

4. Товарларни етказиб бериш ва қабул қилиш шартлари.

4.1. Маҳсулотларни етказиб бериш шартнома имзоланган санадан бошлаб 1 (бир) иш куни.

4.2. Маҳсулот етказиб берилган кундан бошлаб 10 (ўн) банк кунидан кечиктирмай, Ижрочи Буюртмачига маҳсулотларни қабул қилиш ва топшириш далолатномасини тақдим этиши шарт.

4.3. Шартнома ижроси бўйича камчиликлар мавжуд бўлганда, томонлар камчиликларни бартараф этиш шартларини белгилайдиган икки томонлама далолатнома расмийлаштирилади ва Ижрочи 10 (ўн) банк куни ичида аниқланган камчиликларни ўз хисобидан етказиб бериш мажбуриятини олади.

4.4. Шартноманинг 4.2-бандида кўрсатилган муддатда Ижрочи аниқланган камчиликларни бартараф қилмаса, Буюртмачи шартномани бир томонлама бекор қилишга ва барча зарарларни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

5. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1. Етказиб берилган маҳсулот учун тўлов кечиктирилган ҳар бир кун учун Буюртмачи кечиктирилган тўловнинг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, лекин кечиктирилган тўлов миқдорининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда. Агар электрон харид платформаларида ўзгача шарт назарада тутилмаган бўлса.

5.2. Ижрочи ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда, ҳар бир кечиктирилган кун учун шартнома суммасининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлаши шарт, лекин шартнома суммасининг 50 фоизидан ошмаган миқдорда. Агар электрон харид платформаларида ўзгача шарт назарада тутилмаган бўлса.

5.3. Томонлар шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслик учун "Тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг шартнома-ҳуқуқий асослари тўғрисида"ги қонун ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

6. Шартноманинг кучга кириши ва амал қилиши

6.1. Ушбу шартнома томонлар имзолаган санадан кундан кучга кирида ва шартнома шартларини икки томон тўла бажарилганга қадар амалда бўлади. Шартнома электрон рақамли имзо орқали имзоланиши мумкин.

6.2. Шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга бир нусхаси Ижрочида иккинчи нусхаси Буюртмачида сақланади.

7. Форс- мажор

7.1. Табii офат, ёнғин, сув тошқини, zilзила каби хаф хатарни бартараф этиш имконияти бўлмаган тақдирда шартнома мажбуриятларининг қисман ёки тўлалигича бажармагани учун тарафлар жавобгарликдан озод этиладилар.

7.2. Ушбу ҳолатда шартнома бўйича тарафлар ўз мажбуриятларини бажара олмайдиган бўлсалар 5 (беш) кун ичида зудлик билан сабаби кўрсатилиб бошқа тарафга хабар бериши шарт.

8. Низоларни ҳал қилиш тартиби

8.1. Тарафлар ўртасида муносабатлар ёки низолар ўзаро келишув йўли орқали ҳал этилади, тарафлар ўз эркига боғлиқ бўлмаган куч таъсирида шартнома мажбуриятларини бажара олмасалар жавобгарликдан тўлалигича ёки қисман озод этилади.


8.2. Келишмовчиликлар юзага келган тақдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йўли билан ҳал қилинади, келишиш имконияти бўлмаган тақдирда низо Тошкент туманлараро Иқтисодий судида ҳал қилинади.

9. Бошқа ҳолатлар

9.1. Ушбу шартнома томонларнинг ўзаро келишувига асосан амалдаги қонунлар асосида бекор қилинади, шартномадаги барча ўзгаришлар томонларнинг ёзма хатларига асосан ваколатга эга бўлган вакиллари орқали амалга оширилади, шартномани иловалари ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

10. Томонларнинг юридик манзиллари ва банк реквизитлари

«Буюртмачи»	«Ижрочи»
<p align="center">«AGRO FINANS LIZING» АЖ</p> <p>Манзил: Ташкент ш, Чилонзор тумани 20А-мавзе, 9-уй Х/р: 20208000604475460001 АТБ «Агробанк», Амалиёт филиали, МФО: 00394 СТИР: 206219586, ИФУТ: 46610 тел.: (95) 177-10-56 тел.: (71) 216-60-76</p> <p>Бошқарув раиси _____ Н.И.Бегматов</p>	<p align="center">«HIM STANDART INDUSTRIES» МЧЖ</p> <p>Манзил: г.Ташкент, Олмазарский ул. А.Хидоят-86/1 Х/р: 2020 8000 8053 5309 0001 АО «Пойтахт Банк» г.Ташкент МФО: 01172 СТИР: 308245661 тел.: (90)1100106</p> <p align="right">Директор _____ Захидова Н.М.</p>



№1-илова

№ 67 сонли Шартномага 18 март 2022й.

Маҳсулот ва нархлари:

№ п/п	Номи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Нархи(Кг/Л) ҚҚС сиз.	Етказиб бериш киймати	ҚҚС 15%		Етказиб бериш нархи ҚҚС билан
						Жами	Жами	
	1	2	3	4	5	8	9	10
1	Fufanon EK (Malantion 570 g/l)	л	190	185 739,13	35 290 434,78	5 293 565,22		40 584 000,00
2	Жидкое комплексное удобрения Aminosid Universal в пластиковых канистрах 20л по 25кг	шт	300	756 521,74	226 956 521,74	34 043 478,26		261 000 000,00
3	Sunforce 48SL	л	2 320	111 739,13	259 234 782,61	38 885 217,39		298 120 000,00
4	Нитрат магния (магниева селитра), марка Б	кг	3 000	12 582,61	37 747 826,09	5 662 173,91		43 410 000,00
5	BULOVA 3XL 20LT	л	520	104 347,83	54 260 869,57	8 139 130,43		62 400 000,00
6	ORGAN MATER	л	400	84 347,83	33 739 130,43	5 060 869,57		38 800 000,00
Жами: Етти юз кирк турт миллион уч юз ун турт минг) сўм. 00 тийин					647 229 565,22	97 084 434,78		744 314 000,00

Жами ҚҚС билан	744 314 000,00 (Етти юз кирк турт миллион уч юз ун турт минг) сўм.
----------------	---

«Буюртмачи»	«Ижрочи»
«AGRO FINANS LIZING» АЖ	«HIM STANDART INDUSTRIES» МЧЖ
Манзил: Ташкент ш, Чилонзор тумани 20А-мавзе, 9-уй Х/р: 20208000604475460001 АТБ «Агробанк», Амалиёт филиали, МФО: 00394 СТИР: 206219586, ИФУТ: 46610 тел.: (95) 177-10-56 тел.: (71) 216-60-76	Манзил: г.Ташкент, Олмазарский ул. А.Хидоят-86/1 Х/р: 2020 8000 8053 5309 0001 АО «Пойтахт Банк» г.Ташкент МФО: 01172 СТИР: 308245661 тел.: (90)1100106
Бошқарув раиси _____ Н.И.Бегматов	Директор _____ Захидова Н.М.

